

**ХИТОЙ ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИДА ЭРТАК ЖАНРИ ХУСУСИЯТЛАРИ
(XX ВА XXI АСР БОШЛАРИ)**

Нурматова Шахноза Акбаровна,
ЎзФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти таянч докторанти

**ХАРАКТЕРИСТИКА ЖАНРА СКАЗКИ В ФОЛЬКЛОРЕ КИТАЙСКОГО
НАРОДА (НАЧАЛО 20-го и 21-го веков)**

Нурматова Шахноза Акбаровна
Базовый докторант Академии наук Республики Узбекистан

**CHARACTERISTICS OF THE FAIRY TALE GENRE IN THE FOLKLORE OF
THE CHINESE PEOPLE (EARLY 20th and 21st centuries)**

Shakhnoza Nurmatova Akbarovna,
Basic doctoral student Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan

Аннотация: Мақолада хитой эртакларининг моҳияти унинг ўзига хос белги ва хусусиятлари ҳамда дидактик мақсадларида улардан фойдаланишининг асосий шартлари кўриб чиқилади. Шунингдек Хитойда ўтган аср бошидан то ҳозирги кунгача бўлган даврда халқ оғзаки ижоди эртаклари тадқиқини кўриб чиқилиб, бу борадаги асосий илмий ютуқлар ва унинг вазибалари ўрганилади. Унинг ҳозирги ривожланиши аниқланади. Тадқиқотнинг назарий асоси Хитой тадқиқотчиларининг XX асрдан XXI аср бошларигача бўлган даврдаги илмий ишлари. Шунингдек мақолада Хитой эртаклари хусусиятлари ва уларнинг типологияси тасвирланган. Хитой халқ эртаклари воқеликка эстетик муносабат, ота-онага ҳурмат, жамоа манфаатини шахс манфаатидан устун қўйиши, ижтимоий адолатсизликни кескин танқид қилиши билан ажралиб туради.

Таянч иборалар: Хитой халқ эртаклари, қадриятлари, фольклор, маданият, маданиятшунослик жиҳатлари, асосий ёндашувлар.

Аннотация: В статье рассматривается сущность китайских сказок, их специфические персонажи и особенности, а также основные условия их использования в дидактических целях. Также рассмотрено изучение народных сказок в Китае с начала прошлого века до наших дней, и изучены основные научные достижения и его задачи в связи с этим. Определено его современное развитие. Теоретической основой исследования являются научные работы китайских исследователей с 20 века до начала 21 века. В статье также описаны характеристики китайских сказок и их типология. Китайские народные сказки отличаются эстетическим отношением к действительности, уважением к родителям, постановкой интересов общества выше интересов личности, острой критикой социальной несправедливости.

Ключевые слова: китайские народные сказки, ценности, фольклор, культура, аспекты культурологии, основные подходы.

Annotation: The article deals with the essence of Chinese fairy tales, their specific characters and features, as well as the main conditions for their use for didactic purposes. The study of folk tales in China from the beginning of the last century to the present day is also considered, and the main scientific achievements and its tasks in connection with this are studied. Its modern development is determined. The theoretical basis of the study is the scientific work of Chinese researchers from the 20th century to the beginning of the 21st century. The article also describes the characteristics of Chinese fairy tales and their typology. Chinese folk tales are distinguished by their aesthetic attitude to reality, respect for parents, setting the interests of society above the interests of the individual, and sharp criticism of social injustice.

Key words: Chinese folk tales, values, folklore, culture, aspects of cultural studies, main approaches.

Фольклоршунослик — халқ оғзаки ижоди, ушбу ижод намуналарини тўплаш, нашр этиш ва ўрганишни ўз ичига олган фан. Фольклорнинг келиб чиқиши XIX аср бошларида фалсафа, фан ва санъатдаги йўналиш билан боғлиқ бўлиб, у халқ тарихида

алоҳида шахсларнинг хоҳиш-иродаси билан белгиланмайди, балки халқ “руҳ”ининг намоён бўлиши, деб таъкидланган. Фольклор билан боғлиқ фанлар тарих, этнография, динлар тарихи, тилшунослик, адабиётшунослик, мусикашунослик, хореографияни санаб ўтамиз, аммо анъанавий халқ сўз санъати барча халқларда фольклорнинг устуворлиги бўлиб қолмоқда. Хитой фольклорида эртакларни замонавий маданиятшунослик сифатида ўрганиш XX аср бошларида бошланган. Хусусан, 1922 йилдан Пекин университетида ҳафталик “Кўшиқ” нашри чиқарила бошланди, кўшиқларни тўплаш ва ёзиб олишга қизиқиш кучайди. 1927-йилда Гуанчжоу Чжуншан университети ҳафталик “Фолклор” нашрига (илгари “Халқ адабиёти ва санъати” деб аталган) асос солди. Айни пайтда халқ оғзаки ижоди намуналари фаол равишда тўпланиб, ёзиб олина бошлади. Хитой халқи эртакларининг таснифи. 1978 йилдан бошлаб Хитой халқ эртакларини ўрганиш бўйича ишлар ҳажми фақат ошди, ўрганиш усуллари сони ҳам кенгайди. Эртакларнинг асосий тадқиқотчилари орасида куйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин: Чжоу Зуожен, Чжунг Чинг-вен, Чжао Чинг-шен, Гу Тсе-ганг, Лю Куй-ли, Лю шоу-хуа ва бошқалар. Д. Чжоу Зуо-рен ўзининг катта акаси Лу Хун билан ҳамкорликда 1913 йилда нашр этилган «Эртакларни ўрганиш» ва «Эртаклар ҳақида қисқача нутқ» номли иккита асар ёзган. Ўша даврда халқ оғзаки ижоди ҳали оммабоп бўлмаган ва чет тилларидан хитой тилига камдан-кам таржима қилинган. Чжоу Цо-женнинг мифологиядаги энг катта ютуғи шундаки, у қадимги юнон мифологиясининг таржимасини яратган (масалан, “Қизил юлдузлар тарихи” (1907). Таржима билан бир қаторда қадимги юнон адабиётини ҳам ўрганган; У ўз қарашларини “Афсоналар ва мифлар” (1923), “Афсонавий қизиқиш” (1924), “маросим ва мифлар” (1934), “Юнон мифологияси” (1934), “Ли Гун ҳақида” (1934) китобларида нашр этган. Бу мутахассиснинг назарий ишлари хитойлик олимларга катта таъсир кўрсатди. Унинг мифология назарияси кўп жиҳатдан халқ оғзаки ижоди таржимасига асосланган бўлиб, халқ маданияти ҳақидаги хитойшуносликда фаол қўлланилади. У “Андерсон” эртаклари каби “Йўлбарснинг бувиси”, “Илоннинг ери” каби қадимий хитой ҳикояларида ҳам, замонавий халқ оғзаки ижоди эртаклари асарларида ҳам ахлоқий қадриятлар мавжудлигини биринчи марта таъкидлади (масалан, кексаларга ҳурмат-эҳтиром, ёшларга ғамхўрлик ва бошқалар) буларнинг барчаси ҳар қандай даврда таълим учун муҳим ва маданият учун аҳамиятли. Бундан ташқари, Чжоу Цо-Жен ўз асарларида хитойлик ўқувчини инглиз антропологияси соҳасидаги баъзи тадқиқотлар билан таништиради. 1929 йилда Чжао Жин-шен ва Чжоу Цо-Жен «Фольклор эртакларини ўрганиш» тўпламларини, Европа антропологик мактаб машҳур эртакларининг айрим турларини қиёсий таҳлил қилиш натижаларини тақдим этган «ABC Fairy tales» китобини нашр этдилар. Чжао Жиншен Андерсен эртакларининг энг нуфузли таржимонларидан бири ҳамдир. У биринчи бўлиб Андерсен эртакларини одамлар руҳига таъсири нуқтаи назаридан ўрганган. Унинг ўрганиш мавзуси одамларнинг турмуш тарзи, унинг шароитлари ва паст даражадаги одамларнинг ҳаёт истиқболлари эди. Бундан ташқари, у китобхонларга ҳаётнинг асосий саволларига жавоб олиш имкониятини бериш учун уларнинг завқ ва бахт манбаларини кўриб чиқди. Чун Чин-вен фольклор эртакларининг типологияларини яратди, барча 45 турини таҳлил қилди, 1931 йилда «Халқ оғзаки эртакларининг хитой шакли» китобини ёзди. Асар «Ҳинд-Европа халқ эртаклари» асосида яратилган, аммо унда Хитой халқ эртаклари тасниф этилган. Бу китоб охир-оқибатда фольклор афсоналари типологиясининг маҳаллий тадқиқотларини ривожланишига олиб келди. 1955 йилда «Халқ маданияти» газетаси ташкил этилди, у кўплаб фольклор эртакларини нашр этди, улар орасида энг машҳури Чун Чин-веннинг «Фольклор афсоналари ҳақида қисқача маълумот» (1955) эди. У бу китобида халқ оғзаки ижодининг эзгу фазилатларини яққол кўрсатиб ўтган, жумладан, жамият ҳаёти, одамлар тафаккурининг равнақи, тараққиёти, ҳақиқатга интилиши ҳақидаги ғоялар, эксплуататорларга қарши жамоавий иш олиб боришнинг аҳамияти, хунук вазиятни танқид қилиш, ва бошқа мавзуларни киритиб ўтди. Халқ эртакларини ўрганган кейинги муаллиф Мао Цин ишининг афзалликлари фантастик эртаклар ва фантастик образларни ўқувчи томонидан тушунмовчиликни бартараф этишда ва сюжет санъатининг фантазия хусусиятларини чуқур ва ишончли тушунтиришдадир. Ли Син-хуа «Бай миллатининг халқ эртаклари ва афсоналари» (1959) муаллифи бўлди. Бу асар унинг 1956-йилда Хитой жанубидаги Юннан вилояти қишлоқларига қилган ташрифи тавсифи ва фольклор эртаклари

ёзувдир. Унинг этнографик экспедицияси туфайли хитойда озчиликни ташкил этадиган бай халқининг фольклор маданияти, уларнинг урф-одатлари, кийим-кечаклари, меъморчилиги ва бошқалари сақланиб қолган. Шундай қилиб Бай халқининг фольклор афсоналари халқ ҳаёти ҳақида муҳим маълумот манбаи бўлиб қолган. Чиа-чих «Фольклор эртақларининг жозибаси» (1961) муаллифидир. Бу тадқиқотда хитой халқ эртақларининг гоъвий-бадий жозибасини янада чуқурроқ умумий таҳлил қилиш натижалари ўз аксини топган: муаллиф бу халқ ҳикоялари мавзуларининг оддий жойлашувидан қоникмаган; ўрнига у хитой фольклорининг абадий ва маънавий қаърини ўрганади. Ушбу тадқиқот Хитойдаги барча этник гуруҳларнинг халқлари тарихи ва маданиятини халқ ҳикояларини ўрганиш билан чамбарчас боғлайди ва муаллифнинг узоқ вақт давомида халқ оғзаки ижодини бошдан кечиришдаги қимматли тажрибасини умумлаштиради. Ўтмишда Хитой халқ оғзаки ижодида ҳайвонлар ҳақидаги эртақлар жуда кам тўпланган, бу эса чет эллик олимларнинг хитой фольклорида ҳайвонлар ҳақидаги эртақларнинг қамлиги ҳақидаги нотўғри фикрга келишларига замин яратган. Кейинчалик эса бундай ҳикоялар турли этник гуруҳлар томонидан кенг тарқалган. Масалан, Чан Цзу-ченнинг «Ҳайвонлар ҳақидаги эртақлар ҳақида қисқача маъруза» (1962) асари Хитойда фольклор тадқиқоти соҳасида катта ютуқдир. Этнографик экспедицияларнинг ривожланиши билан кўп сонли хилма-хил фольклор эртақлари тўпланди, бу бутун жамятдаги халқ адабиёти тадқиқотчиларининг эътиборини тортиди. Этник озчиликларнинг эртақлари орасида энг машхури зукко одамлар ҳақидаги эртақлардир. Масалан, Аванти қиссасининг нашр этилиши бутун мамлакат китобхонлари томонидан севиладиган ва таниқли хорижий адабий таржимон ва тадқиқотчи Ге Баочуан «Аванти ҳақидаги эртақ ва унинг таржимаи ҳоли» (1963) асарини ёзган. Халқ оғзаки ижоди афсоналарининг нашр этилиши муносабати билан уларни адабий жанр сифатида оммалаштиришга асосий эътибор қаратилмоқда. Таҳлил объектлари эртақ тўпламлари ва уларни ёзишга бағишланган гуруҳлар бўлиб, уларнинг ижтимоий аҳамияти ва адабий қийматининг талқини ҳали тизимли ва чуқур тадқиқотларда берилмаган. Халқ оғзаки ижоди афсоналарини ўрганиш бўйича асарлар яратган юқорида келтирилган хитойлик муаллифларнинг ютуқларини таҳлил қилиш фольклор афсоналари тарбиявий рол ўйнайди, маданий қадриятларни (ўзаро ҳурмат, уйғунлик ва бошқалар) белгилайди, деган ҳулосага келиш имконини беради. Айни пайтда, юқорида муҳокама қилинган тадқиқотлар фалсафий, маданий жиҳатларни ўз ичига олмайди, яъни халқ оғзаки ижоди афсоналари фанлараро хусусиятга эга эмас, адабиётшунослик доирасида қолади. Сиёсий ва ижтимоий ислохотлардан кейин (1955-1966) Хитойда фольклор афсоналарини ўрганиш фаол ривожлана бошлади. Халқ оғзаки ижоди намунаси эртақни ўрганиш кўплаб олимларнинг эътиборини тортадиган, қизиқиши бўйича мифологиядан кейин иккинчи ўринда турадиган илмий соҳага айланди. Масалан, қуйидаги асарларни қайд этиш мумкин: Тан Дай-сиен «Хитой фольклорида ҳайвонлар ҳақидаги эртақларни ўрганиш» (1981), «Хитой эртақларини ўрганиш» (1981) ва «Хитой фольклор эртақларини ўрганиш» (1981); Лиу Шоу-хуа «Хитой халқ эртақларига кириш» (1985), Дуан Бао-лин «Халқ орасида юмористик эртақлар айтиш санъати» (1994) ва бошқалар. Намунали хитой фольклор эртақлари Хитойнинг 22 провинцияси, 5 та мухтор вилояти ва 5 та мухториятнинг 30 жилддан иборат бўлган «Хитой халқ оғзаки эртақлари тўпламлари» (中国民间故事集成) жилдларида жамланган. «Хитой фольклор эртақлари тўплами» қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади: афсоналар, қаҳрамонлар ҳақидаги афсона ва ривоятлар, даоизм ва буддизм ҳақидаги афсоналар (道佛神仙传说), тарихий воқеалар ҳақидаги афсоналар, аждарлар ҳақидаги афсоналар, маҳаллий афсоналар, ўсимликлар ва ҳайвонлар ҳақидаги ҳикоялар, маҳаллий ўзига хос маҳсулотлар ва санъат, урф-одатлар, театрлар, фантастик ҳикоялар, бўрилар (鬼狐精怪), «ҳаёт, эртақлар ва латифалар ҳақида». Хитой халқ эртақлари тўпламлари турли бўлимларга эга.

Тадқиқот ишлари халқ оғзаки ижодига қарашни тубдан қайта кўриб чиқишга қаратилган. Афсоналар: тўпламни тузувчилар биринчи марта афсоналарнинг келиб чиқиши, жойи, вақти ва йиғувчиси ҳақидаги маълумотларни кўрсатадилар. Ушбу тўпламлар Хитой халқ эртақларининг янги бағафсил таснифини тақдим этади. Ушбу тўпламлар орқали Хитойда фольклор афсоналарининг ривожланиш тарихини ўрганиш мумкин, бу эса кейинги тадқиқотлар учун катта аҳамиятга эга.

«Хитой фольклор эртақлари тўплами» фольклор эртақларининг нуфузли

манбаасидир. У ердаги ҳар бир ҳикоя Хитойнинг ҳар бир туманидан танланган ва ажойиб матндир. Бу асар нафақат миллий ва бадиий хусусиятга эга, балки халқ адабиёти ва бошқа турдош фанларни ўрганиш учун қимматли материал бўлгани учун ҳам юксак илмий аҳамиятга эга. Бу китоб Хитой маънавияти ривожини учун ҳам, жаҳон маданияти учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, Хитойда фольклор афсоналарини ўрганиш доирасида Хитой мифологик аъёнларининг қизиқарли типологиясини яратган Хитой мифологик аъёнлари тадқиқотчиси Юан Кени ҳам қайд этамиз. У ўзининг “Қадимги Хитой афсоналари” асарида бутун хитой эпосини қамраб олишга ва уни тизимлаштиришга ҳаракат қилади. Китоб қадимги Хитойнинг муҳим эпик асарларини қайта ҳикоя қилади. Юқоридагилардан ташқари, фольклор ривоятларини ўрганишнинг умумий натижалари Цзян Биннинг “Фольклор афсоналарини дастлабки ўрганиш” (1982) асарларида ҳам ёритилган, Чи Лиансиу ва Сяо Ли «Хитой афсоналари ва эртақларининг буюк луғати» (1992) ва Лиу Шоухуа «Эртақларни ўрганиш асослари» ва “Хитой фольклор эртақлари тарихи” (1999) асарларида акс этди. Охири китоб 7-8 йил ичида ёзилган бўлиб, эртақлар яратилган барча даврларга оид 700 мингга яқин сўзларни ўз ичига олади. Бундан ташқари, “Хитой халқ оғзаки эртақлари тарихи”да ривоят матнларининг тизимли танқиди, халқ оғзаки ижоди ривоятларининг турлари ва халқ фаолияти тавсифи берилган. Бу асарнинг ўзига хослиги жаҳон фанида ижобий баҳоланди. Лю Шоу-хуа асарида хитой фольклор эртақлари эволюциясининг асосий характери тасвирланган: биринчидан, фольклор эртақларининг типологиясини ривожланиши; иккинчидан, оғзаки ва ёзма мерос бир-бири билан ҳамма ҳамма бўлиб, бир вақтда ривожланиб боради; учинчидан, фольклор афсоналари дунёвий ва диний маданиятга ўзаро кириб боришда ривожланиши.

Бизнинг таҳлилимиз куйидаги хулосаларга келишимизга имкон беради. Сўнгги пайтларда хитой халқ оғзаки ижоди афсоналарини ўрганишга катта аҳамият берилмоқда. Айни пайтда бу соҳада камчилик ва муаммолар мавжуд. Масалан, Хитой фольклор афсоналарини таснифлашда чалкашлик мавжуд. Масалан, Лю те-лянинг “Халқ эртақлари ва афсоналарини ўрганиш синтези” мақоласида афсоналар фольклор эртақларига кирмаган бўлса, “Хитой фольклор эртақлари тўплами”да аллақачон мавжуд. Бундан ташқари, Хитойда фольклор афсоналарининг ягона таърифи мавжуд эмас. Улар тор ва кенг маънода кўриб чиқилади ва бу таърифлар доимо аралашиб кетади, бу эса ҳал қилиниши керак бўлган жиддий тадқиқот муаммосидир. Яна бир муаммо – хитой халқ оғзаки ижоди ривоятларини ўрганишда фанлараро алоқадорликнинг йўқлигидир. Бусиз, замонавий шароитда фольклор афсоналарини ўрганиш соҳасида ютуқларга эришиш мумкин эмас. Хитой халқ оғзаки ижодини янада ривожлантириш учун хитойлик тадқиқотчилар фанлараро ёндашувни қўллашлари, халқ оғзаки ижоди афсоналарини ўрганган хорижлик олимларнинг ютуқларини яхшироқ ўрганишлари зарур, деб ҳисоблаймиз.

Хитой халқ оғзаки ижоди бўйича олиб борилган тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, фольклор матнлари кўпчилик халқларга ўхшаш ибтидоий ғоя ва этикодлар асосида ривожланган хитой халқ оғзаки ижодининг ўзига хослигини кўрсатади. Шундай қилиб, хитой фольклори оддий ва ундаги асосий нарса - қаҳрамоннинг севғиси, жасорати ва гўзал қалби.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Чжао Шиюй. Междисциплинарность современного Китайского фольклора на его начальном этапе развития // Фольклорный литературный форум. 1998. № 2. С. 11–14.
2. 辞海编委会, 辞海 1989 年版 [Море слов. Фототипическое издание 1989 г.]. Шанхай, 1995. 2576 с.
3. Большой китайско-русский словарь онлайн (БКРС) // URL: <http://bkrs.info> (Дата обращения: 20.04.2020).
4. Gu Jigang: (05/08/1893 – 12/25/1980) historian and folklorist // Available: <https://baike.baidu.com/item/aladdin> (Accessed: 04/12/2020).
5. Цюй Цзиньян. Обзор 80-летнего китайского фольклора // Восточный форум. 1996. № 1. С. 90–94;
6. Лю Шоухуа. Исследование типов китайских народных сказок // Китайский педагогический университет Хуаджон. 2002. Ухань. 730 с.
7. Zhou Zuoren: (16.01.1885 – 06.05.1967) Chinese poet, literary critic and translator of the century, the younger brother of the poet Lu Xin (in Chinese 鲁迅) // Available: <https://baike.baidu.com/item/> (Accessed: 04/12/2020).

8. Zhong Jingwen: (20.03.1903 – 10.01.2002) folklorist and modern prosecutor // Available: [https:// baike.baidu.com/item/= aladdin](https://baike.baidu.com/item/=aladdin) (Accessed: 12.04.2020).
9. Zhao Jingshen: (04/25/1902 – 01/07/1985) teacher and writer // Available: [https:// baike.baidu. com/item/=aladdin](https://baike.baidu.com/item/=aladdin) (Accessed: 04/12/2020).
10. Дун Сяопин. Национальное пробуждение и модернизация: обзор западного фольклора за 30 лет // Фольклорные исследования. 1998. № 4. С. 1–7. 95 Дискурсивные исследования Д. Тун DOI: 10.18721/JHSS.11307
11. Чжун Цзинвэнь. Литературные исследования и фольклорный метод // Народное искусство. 1998. № 8. С. 30–31.
12. Алексеев В.М. Китайская народная картина. Духовная жизнь старого Китая в народных изображениях. М., 1966. 260 с.
13. Волшебные сказки Китая. Сост. И. Махоницева. Новосибирск, 1991.
14. Древнее зеркало: Китайские мифы и сказки. М., 1993.
15. 杜而未. 凤麟龟龙考释 [Дракон, феникс, черепаха и цилинь – персонажи китайского фольклора]. Тайбэй, 1971.